



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 28 » iyul

№ 466

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитиш икки йил мобайнида амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарорининг 10-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейларида ўқув жараёнини юридик фанлар ва жисмоний тайёргарлик бўйича чуқурлаштирилган таълимни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари (кейинги ўринларда – академик лицейлар) фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ички ишлар вазирлигининг академиясига кириш учун ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси юқори, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак, жисмонан етук, иродаси кучли ва шижоатли номзодлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун малакали кадрларни тайёрлаш;

ўқитишнинг инновацион шакл ва методикаларини жорий этиш асосида миллий таълим тизимини янада ривожлантириш, ўқув адабиётларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва уларнинг янги авлодини яратиш, ўқувчиларда мантиқий фикрлаш ва амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида ўқув ва таълим дастурларини давлат таълим стандартларига мувофиқлаштириш;

Ўқувчиларнинг мантиқий ва тизимли фикрлаш қобилиятини янада ўстириш мақсадида ўқув жараёнига ўқувчиларда олинган назарий билимларини амалиётда қўллай олиши, юзага келган турли муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш тажрибаси ҳамда тегишли кўникмалар ҳосил қилишни назарда тутувчи “case-study” методикасини татбиқ этиш;

ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар, шу жумладан хорижий адабиётлар фондини, ўқитишнинг техник воситалари, шунингдек, глобал ахборот-хуқуқий базалар ва таълим ресурсларини мунтазам янгилаб бориш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

академик лицейларга 2019/2020 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган ўқувчилар амалдаги таълим дастурларига мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган ўқувчилар эса икки йиллик таълим дастурларини бир йилда ўзлаштириш асосида ўқишни тугатади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2829-сон қарорига мувофиқ академик лицейлар битирувчиларига академик лицейни тамомлаганлик тўғрисидаги диплом ҳамда ижтимоий-гуманитар таълим йўналишлари бўйича махсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги сертификат берилади.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатига педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

академик лицейлар ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги бўш педагог лавозимларини эгаллаш учун танловларни адолатлилик, холислик, ошкоралик ва коллегиялик принциплари асосида ташкил этиш ва ўтказиш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан тузиладиган комиссия томонидан танловларни тест ва суҳбат шаклларида ўтказиш тартиби;

танлов натижаларини белгиланган мезонлар асосида расмийлаштириш, номзодларни ишга қабул қилишга тавсия этиш ёки тавсия этмаслик юзасидан комиссия қарорини қабул қилиш тартиби.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси зиммасига академик лицейлар фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича қуйидаги вазифалар юклансин:

академик лицейлар ўқув-услугий жараёнини ташкил этишнинг самарали механизмини жорий этишга кўмаклашиш;

академик лицейларнинг илмий, ўқув ва ўқув-услугий йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириб боришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

академик лицейлар ўртасида фан олимпиадалари ва спорт мусобақа (спартакиада)ларини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам бериш;

таълим жараёнида ўқувчиларнинг мантиқий ва тизимли фикрлаши, ҳуқуқий билимларини, касбий ва жисмоний тайёргарлиги ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари, илғор педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологияларни жорий этиш ва қўллаш борасида кўмаклашиш;

академик лицейларни янги авлод дарсликлари, махсус ўқув-услубий қўлланмалар ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда таълим ва тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида академик лицейлар ички интизом уставини тасдиқласин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

2021 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда академик лицейларнинг ўқув жараёни икки йиллик тизимга ўтказилишини инобатга олган ҳолда юридик фанлар ва жисмоний тайёргарлик бўйича чуқурлаштирилган таълимни назарда тутувчи ўқув режалари ва таълим дастурларини қайта ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 июлдаги 466-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатига
педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатига (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Таълим муассасаларига педагог ходимларни ишга қабул қилиш танлов асосида ўтказилади.

Танловнинг мақсади – таълим муассасаларига замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали, чуқур касбий илим ва маҳоратга, ижодий ва илмий салоҳиятга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган педагог кадрларни холисона саралаб олишдан иборат.

Танлов адолатлилик, холислик, ошкоралик ва коллегиялик тамойиллари асосида амалга оширилади.

3. Педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Танловни ташкил этиш тартиби

4. Таълим муассасаларидаги бўш лавозимларга ходимларни жамлаш учун танлов ўтказилади.

Танлов ўтказилиши тўғрисида таълим муассасаларининг манзили ва мурожаат этиш учун телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасаларининг расмий веб-сайтида эълон берилади.

5. Таълим муассасаларига соатбай ҳақ тўлаш асосида ишга қабул қилинаётган педагоглар таълим муассасаси директорининг буйруғи билан танловсиз ишга қабул қилинади.

Соатбай ҳақ тўлаш асосида ишга қабул қилинаётган педагоглар сони таълим муассасасида фаолият юритаётган барча педагогларнинг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

6. Таълим муассасаларидаги бўш педагогик лавозимларга номзодлар қуйидаги шахслар қаторидан жамланади:

умумтаълим фанлари бўйича педагог лавозимини эгаллаш учун танловда фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси (илмий унвони)га бўлган, педагогик мутахассислик бўйича бакалавр ёки магистр даражасига эга мутахассислар;

умумкасбий ва махсус фанлар бўйича педагог лавозим учун ўтказиладиган танловда таълим муассасаси йўналиши ва ихтисосликларига мос келадиган фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек, магистр даражасига ёхуд камида уч йил педагогик иш стажига эга бўлган бакалавр даражасига эга мутахассислар.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилган, тегишли соҳада олий маълумотга, юксак касбий тайёргарлик ва ахлоқий сифатларга, шунингдек малака талабларига жавоб берадиган шахслар педагогик иш стажига эга бўлмаган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин.

7. Номзодлар танловда қатнашиш учун ариза ва сўровнома-анкета, қисқа шахсий маълумот (резюме)ларини миллий вакансиялар базаси (ish.mehnat.uz), таълим муассасаларининг веб-сайти, онлайн ёки тўғридан-тўғри эълон берилган кундан бошлаб 20 кун давомида тақдим этади.

8. Танлов ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан кейин ўн иш куни ичида ўтказилади.

Танловга келмаган номзодлар учун қўшимча танлов ўтказилмайди.

9. Танловга ҳужжатларни топширган номзодлар сони бир нафардан ошмаса, танлов ўтказилмайди ва таълим муассасалари томонидан танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон такроран берилади.

Қайтадан эълон берилган тақдирда ҳам танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни топширган номзодлар сони бир нафардан ошмаса ушбу бир нафар номзод билан танлов ўтказилади. Бунда номзод тўплаши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан ортиқ балл тўплаган тақдирда танловдан ўтган ҳисобланади.

10. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан салбий сабабларга кўра бўшатишган, шунингдек, содир этган жинояти учун муқаддам судланган фуқаролар танловга қўйилмайдилар (реабилитация қилинган ҳолатлар бундан мустасно).

11. Танловда қатнашиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва уларни сақлаш учун таълим муассасаларининг кадрлар бўйича инспектори (ходими) масъул ҳисобланади.

12. Номзодлардан қонунчилик ҳужжатларида талаб қилиниши бекор қилинган ҳужжат ва уларнинг нусхаларини талаб қилишга йўл қўйилмайди. Номзодга ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхат берилади.

3-боб. Танловни ўтказиш тартиби

13. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан камида 5 кишидан иборат куйидаги таркибда Комиссия тузилади:

комиссия раиси – таълим муассасаси директори (унинг вазифасини бажарувчи шахс);

комиссия раиси ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси ходими;

комиссия аъзолари – таълим муассасаси директори ўринбосарлари, тегишли кафедра мудирлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари ходимлари ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув-услубий ишлар соҳасидаги тажрибали раҳбар ва педагог ходимлари;

комиссия котиби – таълим муассасаларининг кадрлар бўйича инспектори.

14. Танлов икки босқичда – тест ва суҳбат шаклларида ўтказилади.

15. Танлов ҳар бир босқич бўйича алоҳида кунларда ўтказилиб, биринчи кун тест синовлари, иккинчи кун суҳбат шаклида ўтказилади.

Танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўз вақтида ўтказилишини ташкиллаштириш комиссия котиби зиммасига юклатилади.

Котиб комиссия аъзолари ва танловда қатнашувчи номзодларга танловни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида танлов ўтказиладиган санадан уч кун олдин хабар беради.

16. Танлов моддий-техник воситалар билан жиҳозланган махсус ўқув аудиториясида ўтказилади ҳамда танлов жараёни видеотасвирга олинади.

17. Танлов ўтказиш бўйича тест саволлари мажмуи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилади.

18. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармасида сақланади.

19. Номзодга бериладиган тест саволлари 10 хил вариантда тайёрланади ва 40 тадан саволдан (шундан, ҳар бир саволга 4 тадан (a,b,c,d) жавоб) иборат китоб шаклида бўлади ва унинг титул varaғида номзоднинг Ф.И.О., танлов ўтказилган кун, тест саволларига берилган жавобларни текшириш натижалари ва текширган шахс (шахслар) Ф.И.О. ва имзоси кўрсатилади.

20. Тест синовида номзодга 40 та саволдан иборат 1 та тест варианты берилади, бунда ҳар бир тўғри жавоблар – 0,5 балл билан баҳоланади.

21. Комиссия томонидан номзодга тест синови ўтказишнинг қисқача мақсади, мазмуни ва тартиби тушунтирилади ҳамда белгиланган тартибда тест синовлари қабул қилинади.

22. Номзодларга тест синовларига жавоб бериш учун аниқ фанлар (жумладан, математика, информатика, физика, кимё ва биология) учун 90 дақиқа, ижтимоий-гуманитар фанлар учун 60 дақиқа вақт берилади. Жавоблар варақасини белгилаш учун қўшимча 10 дақиқа берилади.

23. Тест саволларига жавоб бериш жараёнида номзодларга қуйидаги тақиқлар қўйилади:

қонунчилик ҳужжатларидан, маълумотнома (справочник) ва махсус адабиётлардан, ҳар қандай турдаги техника воситаларидан ёки бошқа материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш;

бошқа шахслар билан суҳбатлашиш;

тест саволлари ўтказилаётган хонадан рухсатсиз ташқарига чиқиш.

Мазкур банддаги талабларга риоя қилмаган номзод тест жараёнини ўтказиш тартибини бузган деб топилади ва уни танловда қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда Комиссия котиби томонидан мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади ва Комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

24. Тест топшириқларини белгиланган муддатдан олдин бажарган ёки тест топшириқларини бажариш учун ажратилган вақт тугагач, номзодлар тест материалларини комиссия котибига топширади.

25. Комиссия аъзолари тест синовлари ўтказилгандан сўнг 3 соат ичида тест саволларига берилган жавобларни текшириб, натижаларни (тўғри ва нотўғри жавоблар сони) тегишлича ҳар бир номзоднинг тест китоби титул варағига ёзиб қўяди. Тестда 12 баллдан кам тўплаган номзод танловнинг иккинчи босқичига қўйилмайди.

26. Тест синовлари натижалари синов ўтказилган кунда номзодларга эълон қилинади.

27. Танлов ўтказиш жараёнида ҳар бир номзод билан мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ 80 баллик баҳолаш мезонлари бўйича суҳбат ўтказилади ва шу куннинг ўзида тест натижалари билан қўшиб, умумий балл эълон қилинади.

Суҳбат давомида номзодларга:

илмий-педагогик фаолиятининг натижаларига доир тақдимоти учун 5 дақиқа;

таълимнинг инновацион методларини қўллаган ҳолда тегишли фаннинг аниқ бир мавзусини ўқитиш методикаси бўйича педагогик маҳоратини намоён қилиш учун – 15 дақиқа;

касбий кўникмасини аниқлаш мақсадида савол-жавоб учун – 10 дақиқа вақт ажратилади.

28. Номзодлар томонидан илмий-педагогик фаолияти натижаларини баҳолашга қаратилган ўқув-методик, илмий тадқиқот ва ижодий иш материалларини қамраб олувчи портфолио тайёрланади.

Портфолиога киритилган маълумотларнинг тўғрилиги танлов ўтказилишидан бир кун олдин комиссия котиби томонидан ўрганиб чиқилади ҳамда баҳолаш учун комиссияга тақдим этилади.

29. Номзод педагогик маҳоратини намоён қилиш жараёнида куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

педагогик маҳоратининг методик даражаси, илмий-педагогик салоҳияти, қўлланиладиган метод, усул ва воситаларнинг режалаштирилган машғулот мақсадига, шунингдек мантиқийлик, аниқлик ва тизимлилик тамойилларига мос келишига;

ўқув машғулотлари бўйича ижодий муҳокамани ташкил этиш ҳамда педагогик технологияларни қўллаган ҳолда аудиторияни жалб қила олишига;

ўқитилаётган фан бўйича эгаллаган билими, амалий кўникмаси ва малакасининг шаклланганлигига;

ўқувчиларда ижодий-креатив фикрлай олиш, мустақил қарор қабул қилиш орқали касбий кўникмаларини шакллантира олишга.

Номзоднинг педагогик маҳоратини намоён қилиш натижалари комиссия аъзолари томонидан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ мезонлар асосида баҳоланади.

30. Комиссия томонидан номзоднинг касбий фаолиятида эришган натижалари ва педагогик маҳоратини баҳолаш билан бирга педагог ходимларга хос бўлган креативлик, нутқ маданияти ва касбий компетентлик даражасини замонавий талабларга мослигини аниқлаш мақсадида улар билан педагогик суҳбат ўтказилади.

31. Педагогик суҳбат жараёнида комиссия аъзолари томонидан куйидаги йўналишлар доирасида саволлар берилади:

таълим мутахассислигининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, вазиятни таҳлил қилишга қодирлик даражасини аниқлаш бўйича;

ўқувчилар онгига “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурч” концептуал ғоясини сингдира олиш бўйича;

таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, компьютер ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш бўйича;

таълим жараёнида қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан (www.lex.uz) фойдаланиш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш кўникмаларини аниқлаш бўйича;

чет тиллари (рус тили, инглиз тили ва бошқалар)ни ўзлаштириш даражасини аниқлаш бўйича;

ўқув машғулотларда вақтдан унумли фойдаланиш методи (тайм-менежмент)ни қўллаш маҳоратини аниқлаш бўйича.

32. Комиссия аъзолари номзодларга берилган саволларга уларнинг жавоблари тўғри ёки нотўғрилигини дарҳол маълум қиладилар ҳамда комиссиянинг ҳар бир аъзоси ўзининг баҳосини қайд варағига қўяди.

Танловнинг мазкур шакли бўйича якуний натижалар номзодларнинг иштирокисиз комиссия аъзолари томонидан коллегиялик тамойили асосида ўртача арифметик балл шаклида ҳолисона баҳоланади.

33. Танловдан ўтаётган номзодларнинг фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эгаллиги, халқаро ёки республика миқёсида ўтказилган кўргазмали танлов ҳамда номинацияларда эришган ютуқлари, чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификатнинг мавжудлиги, шунингдек педагогик суҳбат жараёнида ўқувчиларга “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурч” концептуал ғоясини сингдира олишга доир касбий ва шахсий сифатлари уларни ижобий баҳолашда инобатга олинади.

34. Ўтказилган икки босқичли танловнинг якуний натижалари комиссия аъзоларининг имзоси ва комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги танлов натижалари қайд варақаси расмийлаштирилади.

4-боб. Танлов натижалари

35. Танлов комиссияси қарорига кўра мазкур Низомга 3-иловада келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича энг юқори балл тўплаган номзодлар танлов ўтказилаётган бўш ўринларга педагогик ходим сифатида ишга қабул қилинади.

36. Танлов натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- а) педагог ходим сифатида ишга қабул қилишга тавсия этилади;
- б) педагог ходим сифатида ишга қабул қилишга тавсия этилмайди.

37. Танлов натижалари комиссия баёни билан расмийлаштирилади.

38. Танлов натижасидан норози бўлган номзодлар апелляция комиссиясига апелляция шикоятини билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

39. Апелляция комиссияси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи асосида камида 4 кишидан иборат танлов комиссияси фаолиятида иштирок этмаган таълим муассасаси директори ўринбосари, тегишли кафедра мудири, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари ходимлари ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув-услубий ишлар соҳасидаги тажрибали раҳбар ва педагог ходимларидан иборат таркибда тузилади.

Апелляция комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси ходими раислик қилади.

Апелляция шикоятни танлов натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида берилиши мумкин. Номзод томонидан берилган апелляция шикоятни апелляция комиссияси томонидан икки иш куни ичида кўриб чиқилиши лозим.

Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш натижасига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) эътироз асоссиз бўлса, апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш ва танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

б) эътироз асосли бўлса, танлов натижаларига ўзгартириш киритиш ва педагог ходим сифатида ишга қабул қилишга тавсия этиш.

40. Танлов билан боғлиқ барча ҳужжатлар таълим муассасаларининг кадрлар бўлинмаларида 5 йил давомида сақланади.

41. Комиссия томонидан танлаб олинган номзодларни таълим муассасаси директори меҳнат шартномаси тузиш орқали ишга қабул қилади ҳамда белгиланган тартибда тегишли буйруқ билан расмийлаштиради.

5-боб. Яқунловчи қоида

42. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатига педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернати бўш лавозимларига ходимларни жамлаш учун танлов ўтказиш ва педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартиби СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари	Танлов ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасаларининг расмий веб-сайтида эълон беради.	Бўш лавозимлар мавжуд бўлганда 3 кун ичида
2-босқич	Талабгорлар	Миллий вакансиялар базаси (ish.mehnat.uz), таълим муассасаларининг веб-сайти орқали онлайн ёки тўғридан-тўғри мурожаат қилади.	Эълон берилган кундан бошлаб 20 кун ичида
3-босқич	Ички ишлар вазирлиги	Таълим муассасаларига педагог ходимларни ишга қабул қилиш бўйича танловларни ўтказиш учун ички ишлар вазирининг буйруғи билан таълим муассасаси директори бошчилигидаги комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) тузилади.	Эълон берилган кундан бошлаб 10 кун ичида
4-босқич	Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Танлов ўтказиш бўйича тест саволлари мажмуини ишлаб чиқади, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишади.	Эълон берилган кундан бошлаб 10 кун ичида
5-босқич	Комиссия (танлов босқичи)	1. Таълим муассасаларига педагог ходимларни ишга қабул қилиш бўйича тест ва суҳбат шаклларида танлов ўтказилади. 2. Танлов натижаларига кўра тегишли қарор қабул қилинади ва баён билан расмийлаштирилади.	Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан кейин 10 иш куни ичида
6-босқич	Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари	Комиссия томонидан танлаб олинган номзодлар таълим муассасалари ўртасида меҳнат шартномаси тузилади ва белгиланган тартибда тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади	Тегишли қарор қабул қилингандан кейин 3 иш куни ичида

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига педагог ходимларни ишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Номзодни тест синовидан четлаштириш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Худуд номи _____
Бино _____ Хона _____
Фан _____

“ ____ ” _____ 20__ йил _____
(далолатнома тузилган жой номи)

Биз, қуйида имзо чекувчилар, шунини тасдиқлаймизки,
Номзод _____

_____ (туман (шаҳар) таълим муассасаси номи Ф.И.О)

Фан номи _____ Фан тили _____

(Номзоднинг (тест) синовидан четлаштирилиши сабаби)

Соат ____ : ____ дақиқада (тест) синовидан четлаштирилди.

Комиссия раиси _____ ИМЗО _____

Комиссия аъзоси _____ ИМЗО _____

Комиссия аъзоси _____ ИМЗО _____

Комиссия аъзоси _____ ИМЗО _____

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига педагог ходимларни ишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик
лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатига педагог
ходимларни ишга қабул қилишнинг
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш индикатори*	Балл
	ЖАМИ:	80
I	Номзодларнинг илмий-педагогик фаолияти натижалари	40
II	Номзодларнинг педагогик маҳорати натижалари	20
III	Номзодларнинг касбий кўникмаси	20
Номзодларнинг илмий-педагогик фаолияти натижалари		40
1	Докторлик диссертацияси (фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганлиги	10
2	Чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификатнинг мавжудлиги	5
3	Ўқув ва илмий адабиётлар (дарслик, ўқув кўлланма, монография) тайёрлаш: якка муаллифликда; ҳаммуаллифликда.	5 3 2
4	Илмий ва оммавий нашрларда мақолалар эълон қилиш: ҳалқаро миқёсида; республика миқёсида.	3 2 1
5	Кўргазмали танлов ёки номинацияларда ғолиб бўлиш: ҳалқаро миқёсда; республика миқёсида; таълим муассасаси миқёсида.	4 2 1 1
6	Илмий-амалий конференция, давра суҳбати ва илмий семинарларда (<i>тезис</i>) қатнашиш: ҳалқаро миқёсда; республика миқёсида.	3 2 1
7	Ўқувчи ва талабалар сафидан фан бўйича олимпиада ғолибларини тайёрлаш (1 ғолиб учун): ҳалқаро миқёсида; республика миқёсида; олий таълим муассасаси миқёсида.	10 4 4 2

Номзодларнинг педагогик маҳорати натижалари		20
1	Педагогик маҳоратининг методик даражаси: фаол ва интерфаол методларни қўллаш қобилияти; қўлланиладиган метод ва воситаларнинг режалаштирилган машғулот мақсадига мослиги; тақдимот материалининг сифати ва дизайннинг замонавий профессионал таълимга уйғунлиги ҳамда адабиётлардан фойдаланиш самарадорлиги.	11 5 4 2
2	Педагогик технологияларини қўллаш қобилияти: ижодий муҳокамани ташкил этиш маҳорати; аудитория диққатини йўналтира олиш қобилияти; замонавий таълим технологиялари орқали ўқувчилар билимини баҳолашда илғор усуллардан фойдаланиш даражаси.	9 3 3 3
Номзодларнинг касбий кўникмаси		20
1	Вақтдан унумли фойдаланиш (<i>тайм-менежмент</i>) технологиясини қўллаш маҳорати	4
2	Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантира олиш маҳорати	4
3	Хорижий тиллар (рус, инглиз ва ҳ.к.)ни билиш даражаси	3
4	Таълим мутахассислигининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, вазиятни таҳлил қилиш даражасини аниқлаш бўйича	3
5	Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш қобилияти	3
6	Интернет жаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан фойдаланиш даражаси	3

**) Комиссия аъзолари томонидан қўйиладиган балл танловдан ўтаётган ҳар бир номзоднинг сўнгги уч йиллик натижаларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида қўйилади.*

Ҳар бир йўналиш бўйича қўйиладиган баллар баҳолаш мезонидаги чекланган баллар миқдоридан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига педагог ходимларни ишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

(таълим муассасаси тури, жойлашган манзили)
педагог лавозимларига ўтказилган танлов натижалари
ҚАЙД ВАРАҚАСИ

қайд этиш санаси

қайд этиш рақами

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Сухбат натижаси				Тест натижаси	Жами
		илмий- педагогик фаолият	педагогик маҳорати	касбий кўникмаси	умумий		
1							
2							
3							
4							
5							

Комиссия аъзоларининг баҳолари*

Раис: _____
(Ф.И.О.)

_____ имзоси

Раис ўринбосари: _____
(Ф.И.О.)

_____ имзоси

Комиссия аъзолари: _____
(Ф.И.О.)

_____ имзоси

_____ (Ф.И.О.)

_____ имзоси

_____ (Ф.И.О.)

_____ имзоси

Котиб: _____
(Ф.И.О.)

_____ имзоси

*) Комиссия аъзолари томонидан ҳар бир йўналиш бўйича қўйиладиган балл танловдан ўтаётган номзодга алоҳида тўлдирилади ҳамда мазкур иловага мувофиқ комиссия котиби томонидан мувофиқлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 июлдаги 466-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 39-сон, 1045-модда):

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбошида “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтига ва Ҳарбий-техника институтига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги олий таълим муассасаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ёки Фавқулодда вазиятлар вазирлиги олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган идоравий академик лицейларнинг битирувчилари ушбу вазирликлар ва идоралар раҳбарлари томонидан белгиланадиган тартибда устунлик асосида тегишлича ички ишлар органларига, Миллий гвардиянинг қўриқлаш хизматига ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қутқарув бўлинмаларига хизматга қабул қилинади”;

б) 1-иловада:

23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

26-бандда “уч” сўзи “икки” сўзи билан алмаштирилсин;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2829-сон қарорига мувофиқ академик лицейлар битирувчиларига академик лицейни тамомлаганлик тўғрисидаги диплом ҳамда ижтимоий-гуманитар таълим йўналишлари бўйича махсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги сертификат берилади”;

қуйидаги мазмундаги 4¹-боб қўшилсин:

**“4¹-боб. ИИВ академик лицейлари ўқувчилари ўқишини кўчириш,
қайта тиклаш ва уларни ўқишдан четлаштириш**

27¹. Ўқувчиларни бошқа таълим муассасаларидан ИИВ академик лицейларига кўчириш тақиқланади.

27². Ўқувчиларнинг ўқишини бир ИИВ академик лицейидан бошқа ИИВ академик лицейига кўчириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси билан келишилган ҳолда ёзги таътил даврида амалга оширилади.

27³. Ўқувчилар қуйидаги ҳолларда ўқишдан четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан, бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

б) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

в) доимий яшаш учун бошқа ҳудудга ёки давлатга чиқиб кетганда;

г) ўқувчи томонидан ўқув дастури ва ўқув режаси талаблари бажарилмаганда (семестр якуни бўйича ўтказилган якуний назоратда иккита ва ундан ортиқ фанлар бўйича қониқарсиз баҳо олганда);

д) бир семестр мобайнида узрли сабабларсиз 72 соат ва ундан кўп машғулотларда қатнашмаганда;

е) ўқувчи томонидан ИИВ академик лицейининг кун тартибига мунтазам риоя этмаслик ёки ички тартиб-қоидалари қўпол равишда бузилганда;

ж) ўқувчи томонидан содир этилган жиноят учун суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

з) вафот этганлиги сабабли;

и) ота-онаси бошқа давлатга хизмат сафарига юборилганда улар билан жўнаб кетганда.

27⁴. ИИВ академик лицейларидан четлаштирилган ўқувчилар ўқишга қайта тикланмайди, мазкур Низом 27³-бандининг “б” ва “и” кичик бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

27⁵. Мазкур Низом 27³-бандининг “б” ва “и” кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда ўқишдан четлатилганлигига 1 йилдан 2 йилгача муддат бўлган ўқувчиларнинг ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

27⁶. ИИВ академик лицейларидан четлатилган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар академик лицей директори томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилади.

27⁷. ИИВ академик лицейдан четлаштирилган ўқувчиларни Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро Комиссия томонидан яшаш манзили бўйича мажбурий умумий ўрта таълимга жалб этиш тўғрисида қарори билан биргаликда ҳужжатлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига юборилади.

27⁸. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари 10 кун муддат ичида ўқувчининг ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчириш масаласини ҳал этади ва бу тўғрисида ИИВ академик лицейига ҳамда ўқувчининг ўқиши кўчирилаётган таълим муассасасига ёзма равишда маълумот юборади.

Бунда ўқувчининг ўқиши кўчирилаётган таълим муассасасига юбориладиган маълумотга ИИВ академик лицейидан тақдим этилган ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

27⁹. Ўқувчининг ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчириш тўғрисидаги маълумотни олган ИИВ академик лицейи директори ўқувчини ўқувчилар сафидан чиқариш ҳақида буйруқ чиқаради ва 3 кун муддатда ўқувчини қабул қилаётган таълим муассасасига жўнатади.

27¹⁰. Ўқишдан четлаштирилган ёки ўқиши кўчирилаётган ўқувчини қабул қилаётган таълим муассасаси директори 3 кун муддатда ўқувчини ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

27¹¹. Ўқувчиларни четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар, педагогик кенгашнинг қарори, буйруқ, ариза, ўзлаштириш дафтарчаси ИИВ академик лицейида сақланади”.

28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар ИИВ академик лицейида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ИИВ академик лицейларига ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатига педагог ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ишга қабул қилинади”;

31-бандда “Кадрлар бош бошқармаси” сўзлари “Касбий тайёргарлик бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

32-банднинг бешинчи хатбошида “Ички ишлар вазирлигининг Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

37-бандда “Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларнинг” сўзлари “Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари ҳамда вилоятлар ИИБларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 2-иловада:

2-бандда “ИИВ академик лицейларига” сўзларидан кейин “қабул йилида” сўзлари кўшилсин;

5-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлар ҳамда вилоят ИИБ бошлиқлари ИИВ академик лицейи қабул комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг юқори малакали ва тажрибали катта офицерлари комиссия раиси ўринбосарлари этиб белгиланади”;

9-бандда “Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларига” сўзлари “Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари ҳамда вилоятлар ИИБларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

16 ва 19-бандларда “Тошкент шаҳар ИИББ” сўзлари “Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандда “тегишли ИИВ академик лицейига келганда” сўзлари “қабул йилининг 1 июнь кунига қадар тегишли ИИВ академик лицейининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандга қуйидаги таҳрирдаги иккинчи ва учинчи хатбошилар кўшилсин;

“Қабул йилининг 1 июнь кунидан сўнг ўқишга имтиёзли кириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Қабул комиссияси номзодларнинг ўқишга имтиёзли кириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларини қабул йилининг 25 июнь кунига қадар тегишли вазирлик ва идоралар билан кўриб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига тақдим этилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Касбий тайёргарлик бошқармасига тақдим этади”;

21-бандда “Кадрлар бош бошқармаси” сўзлари “Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

23, 27 ва 30-бандларда “Тошкент шаҳар ИИББ ва” сўзлари “Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-бандда “Тошкент шаҳар ИИББ ва” ҳамда “Кадрлар бош бошқармаси” сўзлари тегишлича “Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари ҳамда” ва “Касбий тайёргарлик бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

39-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ихтисослик фанлари бўйича халқаро олимпиадаларда охириги уч йил (қабул йили ва ундан олдинги икки йил), республика фан олимпиадаларида охириги бир йил (қабул йили ва ундан олдинги йил), Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан ўтказиладиган мусобақаларнинг республика босқичида охириги бир йил (қабул йили ва ундан олдинги йил) давомида ғолиб бўлган номзодлар”;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари қабул квоталаридан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашга муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятида юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари ажратилган беш фоизли квоталар доирасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тақдимномаси асосида, тест синовларисиз имтиёз тартибида махсус-профессинал танловда тўплаган баллари бўйича кетма-кетликда қабул қилиниб, тўплаган баллари тенг бўлиб қолган номзодлар умумий квотадан ташқари қабул қилинади”;

бешинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июндаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандида “ўн саккиздан” сўзлари “ўн еттидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

